

CHIRCHIQ TONGI

**Toshkent viloyati
Chirchiq shahar
hokimligining
ijtimoiy-siyosiy gazetasi**
2025-yil, 9-may JUMA
18-son (10265)



«...Ўғлим ҳаётли-
гида мени олиб кет-
моқчи бўлди. Бир
ўзим қолган бў-
лишимга қара-
май, бизга нон
ва жой бер-
ган Ватанни
ташлаб кет-
гим кел-
мади».



КЎКСИДА ТОҒДЕК ЮКНИ КЎТАРГАН АЁЛ

Бугунги озод ва эркин ҳаёт учун азиз жонини аямасдан курашган, инсоният тарихи саҳифаларида ўзининг аёвсиз ва шафқатсиз хотиралари билан муҳрланган даврни бошидан кечирган, жанг майдонларидан омон қайтиб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган, нозик кўксига тоғдек юкни кўтариб юрган, ҳозирда эзгу дуолари билан ҳаётимизнинг файзу фаритаси бўлиб келаётган чирчиқлик Аклима ая Шайхутдинова бу йил 100 баҳорни қарши олди.

Шу кунларда бир асрлик тарих воқеаларини аядан эшитмасликнинг, ўша давр нафасини ҳис қилмасликнинг иложи йўқдек, гўё...

Шу муносабат билан шаҳар ҳокими Муроджон Абдурахимов аянинг хонадонига бўлиб, байрам билан табриқлаб ҳамда Президентимизнинг табригини ўқиб эшиттирди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони асосан ажратилган пул мукофоти ва «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги» эсдалик юбилей медалини, шунингдек, қимматбаҳо совғаларни топширди.

Аклима ая шаҳар раҳбари билан суҳбат чоғида ўзининг уруш йилларидаги хотиралари, ўша даврларнинг қийинчиликлари, ҳаёт тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Бугунги дорилмомон кунларнинг қадрига етиш кераклигини тақдор-такдор таъкидлаб, Президентимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдирди.

Нуронийлар ва тадбирда жам бўлганлар мустақиллигимиз абадийлиги, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги барқарор бўлишини, халқимиз фаровонлигини сўраб дуога қўл очишди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ЯНАДА ОРТАДИ

Жорий йилнинг 30 апрелидан 6 майга қадар Чирчиқ шаҳар ҳокими Муроджон Абдурахимов бошчилигидаги делегация аъзолари Хитой Халқ Республикаси Шинжон провинциясининг Аксу, Куча ва Урумчи шаҳарларига ташриф буюришди.

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад Шинжон провинциясининг салоҳиятли инвесторларини Чирчиқ шаҳрига жалб қилиш ва шаҳарда инвестиция жозибadorлигини ошириш, юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишдан иборат эди.

Дастлаб, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамда Шинжон провинцияси Аксу шаҳрида фаолият юритаётган ХХРнинг «Jiangsu New Materials Co., Ltd» раҳбари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тор доирада музокаралар ўтказилди.

Унда Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ва «Jiangsu New Materials Co., Ltd» таъсисчиси Yang Xueshou ўртасида Чирчиқ шаҳрида умумий қиймати биринчи босқичда

10,0 млн доллар ва иккинчи босқичда 5,0 млн долларлик озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини қадокловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишув битими имзоланди. Yang Xueshou жорий йил май ойи якунига қадар Чирчиқ шаҳрига ташриф буюриши ҳамда лойиҳа ишлари бошлаб юборилишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, делегация аъзолари «Xinjiang Jiatai New Materials Co., Ltd» Текстиль ишлаб чиқариш кластерида ҳам бўлдилар. Бу ерда пахта толасидан то тайёр маҳсулотга қадар ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,0 млрд долларни ташкил этадиган бу корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 450,0 млн долларни ташкил

этиб, бугунги кунда унда 3200 нафар ишчилар меҳнат қилмоқда. Музокаралар чоғида инвесторларга ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиши учун ҳокимлик томонидан етарли шарт-шароитлар яратиб берилиши тушунтириб ўтилди.

Томонлар Куча шаҳридаги энг йирик минерал ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Aksu Huajin Fertilizer Co., Ltd», шунингдек, «Xinjiang Plastic New Materials Co., Ltd», «Aksu Youlian Textile Printing and Dyeing Technology Co., Ltd», «Zhisang Packagin Co., Ltd» ҳамда Урумчи шаҳридаги «China National



Ҳамкорлик

Electric Xinjiang Chemical Co., Ltd» компаниялари ўртасида кечган ўзаро келишувлар самарали бўлганлигини таъкидламоқдалар.

Хорижий инвестицияларнинг шаҳримиз иқтисодида кенг жалб этиш юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

«Махам-Чирчиқ» АЖда «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди.

Тадбирга узок йиллар корхонада фаолият юритган «Мадам» уюшмасининг меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Шунингдек, бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ҳам қатнашди.

Самимий руҳда ўтган тадбир давомида фахрий устозлар У.Адилов, И.Абдурасулов, З.Маннабова ва У.Сабитов ўзларининг соҳага кириб келиши, ҳаётий тажрибалари, меҳнат фаолиятидаги қизиқарли воқеалар билан ўртоқлашдилар.

Ёшлар ўзларини қизиқтирган ва меҳнат фаолияти давомида дуч келаётган саволларига жавоб олишди.

Тадбир сўнггида фахрийларга эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғалари улашилди.

«Махам-Чирчиқ» АЖ матбуот-хизмати

Жараён



МАҲАЛЛА ҲАЁТИ: САЙЛОВЛАР БОШЛАНДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1 май кундан республикамизнинг барча ҳудудларида маҳалла раислари сайлови бошланди.

«Фуқаролар йиғини раиси сайлови туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга асосан маҳалла фуқаролар йиғини раиси ваколати 5 йилга узайтирилди. Сайлов жараёнлари янгича демо-

кратик тамойилларга асосланган ҳолда, очиқлик ва ошқоралиқда, фуқароларнинг хоҳиш ва истакларини эркин ифода этиш тамойилларига мос тарзда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Май ойининг сўнги кунига қадар режалаштирилган сайлов жараёнлари шаҳримизнинг 44 та маҳалласида ўтказилади.

Жорий йилнинг 8 май сана-

сига қадар шаҳримиздаги «Адоллат», «Бахт», «Бобур», «Аҳмад Яссавий», «Маърифат», «Гулзор», «Бирлик» маҳалларида сайлов жараёнлари ташкил қилиниб, унда шаҳримизнинг 2 минг 241 нафар фуқароси иштирок этди.

Сайловларда маҳалла фаоллари, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



ЖАСОРАТЛИЛАР – МАНГУ БАРҲАЁТ!

Барча замонларда ҳам янги шаҳарларни бунёд этиш, ривожлантириш осон иш бўлмаган. Туғилиб-ўсиб, ҳаёт отини қамчилаши учун инсонга вақт, кучли ирода, сабр, матонат керак, албатта. Чирчиқ шаҳрига тамал тошини қўйганлар ҳаёти тимсолида бунга кўпчилигимиз шохид бўлганмиз. Бунёдкор халқимизнинг саъй-ҳаракати, фидойи меҳнати билан қад ростлаган кўркем бинолар, ҳазрати инсоннинг шу заминда яшаб, уни-ўсиши учун муносиб шарт-шароит яратиш берган заҳматкаш қурувчиларнинг яратувчанлик меҳнатига тасанно айтмай илож йўқ. Бу уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар қай вақтда ва қандай усулда бунёд этилишидан қатъий назар, ўз даври ривож, тараққиётига хизмат қилган.

Шу жиҳатдан қараганда, Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг шаҳримиз тарихида тутган ўрни беқиёс. Ўтган аср охири ва истиқлол йилларида шаҳримизда қад ростлаган юзлаб кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа ижтимоий-иқтисодий объектлар ана шу комбинат ишлаб чиқарган қурилиш материаллари ва ашёларидан бунёд этилган. Шуниси диққатга сазоворки, шаҳримизнинг бугунга келиб давр билан уйғун ҳолда тамоман янги, ўзига хос меъморий қиёфа кашф этиб бораётганида мана шу жамоанинг муносиб ўрни бор. Олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳар қандай ҳам-шаҳарларимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмай қолмайди.

Салобатли биноларга боқар эканмиз, меъмориликимиз ва шаҳарсозликимизга тамал тоши қўйганлардан бири, ўз умрининг асосий қисмини қурилишга, яна-ям аниқроқ айтадиган бўлсак, бунёд этилаётган ҳар қандай иншоотларни қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминлашга ҳисса қўшган Ниғмат Бегматовдек инсон кўз ўнгимизда гавдаланди.

У 1979-2000 йилларда, йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг директор лавозимида ишлади. Шаҳримиздаги ҳар бир уй-жой, богча, мактаб, аҳоли учун зарур инфратузилмаларда ана шу комбинат етказиб берган қурилиш материаллари асосий хомашё вазифасини ўтаган. Корхона маҳсулотлари ҳисобига

қад ростлаган юзлаб кўп қаватли уй-жойлар, кўприклар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа кўплаб иншоотлар ҳали-ҳануз ўз кўрку тароватини йўқотмаган.

Айниқса, мустақилликдан сўнг бунёд этилган осмонўпар уйлари макон тутган чирчиқликлар уй-жой муаммоларини имкон қадар тез ва соз ҳал этишда алоҳида ташаббус кўрсатаётган ва уларни ўз вақтида хомашё билан таъминлашдек хайрли ишга бош қўшаётган фидойи касб ишчиларининг саъй-ҳаракатларидан беҳад миннатдор.

Қурилиш сифати бевосита унга ишлатилаётган материаллар сифати билан узвий боғлиқ. Корхона пудратчи ва буюртмачиларга мукамал лойиҳалар асосида норматив-техник ҳужжатларга мос келадиган, давлат стандарт талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлардан бунёд этилганлиги учун ҳам иншоотлар вақт синовларидан муваффақиятли ўтиб, шу кунгача ўз кўрки ва тароватини йўқотмай савлат тўкиб турганлиги аён бўлади.

Бугунги айём муносабати билан комбинатга узоқ йиллар раҳбарлик қилган, ўзидан муносиб шогирдлар, эзгу хотиралар қолдирган Ниғмат Бегматовнинг босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўлига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Зеро, унинг руҳи шод бўлмай.

Н.Бегматовнинг болалик йиллари Украина ва Қирғизистон республикаларида ўтган. Чунки Бегмат оталар хонадонининг

қисмати бевосита қатағон йиллари азоб-укубатлари, қатлиом даври билан боғлиқ. 30 – йилларда жафокаш халқимиз бошига яна бир оғир иш тушди. «Пахта мустақиллиги» деган гаплар пайдо бўла бошлаган йиллар. Ўша пайтда аҳолини сургун қилиш баҳоналари уйлаб топилган эди. Бу тошшириқни бажариш учун ўртаҳол деҳқонлар ҳам қулоқ қилиниб, ёт ўлкаларга, асосан Украина ва шимолий Қозоғистонга сургун қилинган. Чимбойлик қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласи ҳам «чақув» туфайлими, ноҳақлик ва адолатсизлик қурбонига айланиб, 1933 йилда Украинага сургун қилинади.

Ўша кезлар қулоқ қилинганларнинг аксарияти муҳтожлик, очлик, совуқ иқлим, қаҳатчиликда ҳаёт кечириб, турли хасталикларга бардош беролмай, қирилиб кетган.

Иккинчи жаҳон урушининг авж палласи – 1942 йилда эса бу оила яна бошқа ҳудуд – Қирғизистонга сургун қилинади. Бу ердаги азоблар ҳам Украинадагидан кам бўлмаган. Фақат, 1947 йилга келиб, кўплаб беғуноҳ инсонлар қатори Бегматовлар оиласига ўз она юртига қайтишга рухсат берилади. Ҳикоямиз қахрамони Ниғматнинг 7 йиллик болалиги сарсон-саргардонликда, бегона юртларда, юпун, оч-наҳор, ҳаёт ташвишлари билан ўтган. Бахтли болалик онларидан мосуво бўлган Ниғмат падари бузруквори ва онаси Инъомхон аянинг бошдан кечирган азоб-укубатларини ўз кўзи билан кўрар экан, ахир бир кун келиб, адолат қарор топиши, ҳаёт ўз ўзанига қайтиши, бу қийинчиликлар ортада қолиб, ғам-андуҳлар ўрнини хурсандчилик, бахтиёр дамлар эгаллашига ишонарди. Дарҳақиқат, шундай кунлар келди. Қатағон йилларида ўз она юрти тупроғини кўзга тўтиё қилишни орзу қилган Бегмат ота кўп ўтмай Байтўрғон қишлоғидаги жамоа ҳўжалигига бригада бошлиғи этиб тайинланди. Ҳовли-жой қилди. Инъомхон ая қишлоқ врачлик пунктида одамлар дардига дармон бўлди. Фарзанд-



ларини эл-юрт корига ярайдиган, меҳнаткаш, ҳалол инсонлар этиб тарбиялашди.

Украинада туғилган Ниғматжон умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тугаллаб, 1957 йилда Тошкент кооператив институтига ўқишга кирди. Дипломни қўлга олган, Чирчиқ шаҳар Молия бўлимида ишлади. Ишлаганда ҳам сидқидилдан, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилди. Жамоа ўртасида ўзига яраша ҳурмат-этибор қозонди. Ўша пайтдаги катта ҳаёт тажрибасига эга шаҳарнинг молия раҳбари Азиз Назиров шогирди Ниғматдаги раҳбарлик салоҳиятини сезиб, ёш кадрни қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатига бўлим бошлиғи вазифасига тавсия қилди. Комбинат раҳбари Юрий Тудаков ҳам Ниғматга катта ишонч билан қаради. Н.Бегматов бўлим бошлиғи, цех бошлиғи, корхона раҳбари ўринбосари вазифаларида ишлаб, жамоа ўртасида ўзига яраша ҳурмат, обрў-этибор қозонди. Ниғматнинг ишга ўзгача меҳр-садоқат билан ёндашаётгани, ҳалоллиги ва яхши хулқ-одоби, инсоний фазилатларини ҳисобга олиб раҳбар нафақага чиқишдан аввал ўз ўрнига шогирдини тавсия қилиб, вазирликка мурожаат қилди. Шу тариқа, 1979 йилда Ниғмат Бегматов комбинат директори этиб тайинланди.

Комбинат унинг даврида гуркираб, ривож топди. Иқтисодий ва молиявий жиҳатдан нафақат

шаҳарда, қолаверса, мамлакатимиздаги кўзга кўринган, ириқ қурилиш ва саноат мажмуаларидан бирига айланди. Корхона маҳсулотларига ҳатто, қўшни республикалардан ҳам харидорлар кела бошлади. Соҳадаги бу жараёнлар нафақат шаҳар қиёфасига, балки, одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият бағишлади. Айниқса, ишчи-хизматчилар, уларнинг оила аъзоларига эътибор ва ғамхўрлик кучайди. Янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг уй-жой муаммолари, соғлиги ҳақида қайғуриш, фарзандлар учун дам олиш ва соғломлаштириш ишларининг тўғри йўлга қўйилиши жамоада маънавий муҳитни янада яхшилашга хизмат қилди. Бу каби оммавий-ташқил ишлар ўз самара ва натижаларини берганлиги ҳақида унинг сафдошлари Жўра Сафоев, Туроб Абдуллаев, Ирисбой Хожиевлар ҳали-ҳануз гапириб юришади. Шаҳримизда ва маҳаллада Ниғмат Бегматовни ҳамма ҳурмат қилар, қандай масалада мурожаат этишмасин, уларнинг муаммоларини имкон қадар амалий ҳал этишга ўзида куч ва салоҳият топар эди. Шунинг учун ҳам етти ёшдан-етмиш ёшгача бўлган маҳалладошлари уни ўз қадрдонларидек ҳурмат қилишарди. Ободончилик, кўкаламзорлаштириш, ижтимоий кўмак масалаларида бажонидил ёрдамни аямаган тadbиркор, саҳоватпеша, очикўнгул бу инсонни эслаб, ёд этишади.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунга келиб Чирчиқ замонавий, гўзал ва тез ривожланаётган шаҳарлардан бири ҳисобланади. Бу шунчаки, ўзи-ўзидан кечаётган жараёнлар эмас, албатта. Унинг замирида Ниғматжонга ўхшаган жуда кўп фидойи инсонлар борлиги, уларнинг ўз она шаҳрига бўлган меҳр-муҳаббати ва садоқати доимо бардавом бўлиб, руҳлантириб турганлиги қўлга киритилаётган муваффақиятларимиз учун замин яратмоқда.

Ботир ДАВРОНОВ,
Ҳайдар Мақсудов номидаги
маҳалла фуқаролар
йигини раиси
Абдул ҲАМИД,
ўз мухбиримиз

ЁСТИҒИМ ОСТИДА КИТОБ ТУРСА, ДЕЙМАН...

Ҳар бир муваффақиятли мутахассиснинг йўли илк қадамлардан бошланади. Ўз даврида жасорат билан шундай қадам ташлаган ёш йигит – 1978 йилда Товоқсой кўрғони, «Паргос» қишлоғида туғилган Бугубаев Фаррух бўлади. У 20 ёшида аммиак ишлаб чиқариш цехида газогенерация аппаратчиси бўлиб ишга кирди. Ҳар бир соҳа ўзига хос қийинчиликларига эга, лекин газогенерация аппаратчиси сифатида ишлаш – инсондан энг аввало масъулият ва диққат талаб қилади. Ҳар бир тугма, ҳар бир датчик – бу катта тизимнинг бир қисми. Шунинг учун ҳар бир ҳаракатни ўйлаб амалга ошириш керак. Унинг бу соҳани танлаши бежизга эмас: кимё саноатидаги техник жараёнлар, газлар билан ишлашдаги аниқлик ва масъулият уни доим ўзига жалб қилган.

Газогенерация цехи – заводнинг юраги десак, муболаға бўлмайди. Бу ерда синтез газ ишлаб чиқарилиб, кейинчалик аммиак олиш жараёнида асосий хомашё сифатида ишлатилади. Фаррух бу мураккаб, лекин жуда ҳам зарур жараёнда ўз ўрнига эга бўлиш учун сабр ва билим билан ишга киришди.

Чирчиқ давлат техника коллежини қизил диплом билан битириб чиққан Фаррух меҳнат фаолиятини бошлаган кунлариданок ўзининг масъулиятли, интизомли ва янгиликка чанқоқ эканлигини кўрсатди. Тажрибали усталар ёрдамида у газ генераторларининг тузилиши, улардаги термодимёвий жараёнлар, ҳавфсизлик қоидалари ва автоматлаштирилган назорат тизимлари билан танишди. Газ босими, ҳарорати, таркиби каби кўрсаткичларни доимий равишда кузатиш ва назорат қи-

лиш каби вазифаларни пухта ўрганиб, тезда удаллаб кетди.

Завод раҳбарияти ҳам унинг ишга бўлган жиддий муносабатини юқори баҳолаб дастлаб, бош аппаратчи, сўнг смена бошлиғи вазифасига муносиб кўрди. 2004 йилдан аммиак ишлаб чиқаришнинг етакчи муҳандис – технологи, 2007 йилда компрессия цехининг бошлиқ ўринбосари лавозимларида ишлади.

Кимё саноатида ҳар бир жараён аниқлик, масъулият ва юқори малака талаб қилади. Аммиак ишлаб чиқариш каби стратегик аҳамиятга эга жараёнда эса бу талаблар янада муҳим аҳамият касб этади. Фаррух Бугубаев ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди. 2017 йилдан аммиак ишлаб чиқариш бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаб бошлади. Бу лавозим нафақат техник билим, балки жамоада

ишлаш қобилияти, тезкор қарор қабул қилиш ва муаммоларни самарали ҳал қилиш кўникмаларини ҳам талаб қилади. Фаррух Бугубаев эса бу борада ўзининг фаол, масъулиятли ва ташаббускор меҳнат фахрийси эканини исботлаб, 600 га яқин ишчи-хотимларга бошчилик қилиб келмоқда. Бу айтишга осон, албатта. Шундай катта жамоада ишлаш, шубҳасиз, Фаррух Бугубаевдан катта жавобгарликни ҳам талаб этади. Бир неча – метанни конверциялаш, 1-тозалаш, 2-тозалаш цехи, компрессия цехи, аммиакни синтезлаш, аммиакни суюлтириш ва газ хомашёсини тайёрлаш цехларидан иборат бўлган бўлимнинг бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди.

Фаррух Бугубаев корхонада ишлаб нафақат обрў-этибор қозонди, балки ўз бахтини ҳам шу ерда топди. Конверция цехида машинист бўлиб ишлаётган Мунира Абдурасулованинг камтарлиги, меҳнатсеварлиги унинг диққат-этиборини тортди. Ораларида дўстлик, сўнг ишонч пайдо бўлди. Оила қуришди. Аёли Мунира Абдурасулова ҳам шу цехда кўп йиллардан буён ғайрат-шижоат билан ишламоқда. Икки кимёгар биргаликда икки ўғил ва бир қизни тарбиялаб, воёга етказишмоқда. Ўғли Фуқрат-

бек ирригация университетиде 4-босқич талабаси. Иккинчи ўғли Абдулла Фан ва технологиялар университетиде 1-босқичда ўқишмоқда. Қизи Мухлиса мактаб ўқувчиси. Фаррух Бугубаевнинг яна бир фазилатларидан бири унинг китоб ўқишни яхши кўришидир.

– Ёстиғим остида доим китоб турса, дейман, – деб бошлади ҳикоямиз қахрамони ўзи ҳақида гапирар экан. – Чет эл – француз, немис, бразилия адилларининг асарларини севиб ўқийман. Айниқса, Ги де Мопассон, Жан Фужер, Александр Дюма, Жорж Амаду асарлари менда катта таассурот қолдирган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» тарихий асари ҳам мен учун алоҳида аҳамиятга эга.

Сухбатдошимизнинг болалик хотираларини эслайдиган бўлсак, ўз даврида у ҳам ҳамма болалар сингари космонавт бўлишни орзу қилганини кулиб эслади. Дарвоқе, унинг тўғриси, меҳнатсевар бўлиб воёга етишишида катта роль ўйнаган қахрамонимизнинг отаси Абдумажид ака Бугубаев бир умр Чирчиқ трансформатор заводиде ишлаган меҳнат фахрийларидан бўлган. Онаси Азиза ая ҳали ҳаёт. Фарзандларининг роҳатини, кексалик гаштини

Илҳорлар ҳақида Ҳикоялар



сурмоқда. Фаррух Бугубаев ҳар ҳафта онасини кўриб, дуо олгани бориб туради.

Завод раҳбарияти фахрий кимёгар Фаррух Бугубаевнинг ишга бўлган жиддий муносабатини алоҳида эътироф этиб келмоқда. Ҳикоямизни яқунлар эканмиз, юртимизда шундай мутахассислар кўпаяверсин, деймиз. Зеро, шундай касб эгалари кимё саноатини ривожлантириб, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшишлари, шубҳасиз.

Саодат МУСАЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

ХОТИРА – БАРҲАЁТ, ЖАСОРАТ – ИБРАТ

Юртимизда анъанавий нишонланадиган «Хотира ва қадрлаш куни»да аждодларимиз, хусусан, Ватан озодлиги, халқимизнинг фаровонлиги йўлида жонини фидо қилган юртдошларимизни ёдга оламиз.

Маълумотларда келтирилишича, бу урушда 85 миллионгача инсон ҳалок бўлган. Ер юзи беҳисоб вайронагарчилик ва қаҳатчиликка юз тутган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари (ҳозирда собиқ) Зайд Раад ал-Хусайн 2017 йил 12 май куни Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Самарқанд шаҳрини зиёрат қилади. У ташрифи чоғида уруш даврида фашистлар истило қилган Голландияга махсус поездда олиб келинган 101 нафар ўзбек аскарининг асирликдаги аччиқ қисмати ҳақида ўқиб, халқимизнинг меҳрибонлиги ва улуғворлигига ихлоси чандон даражада органини сўзлаб берган.

Бу ҳикоя фашистлар томонидан жанггоҳларда асир олиниб, Европадаги ўлим лагерларидан бири бўлмиш «Амерс-



форт»га қамалган ўзбек ўғлонлари тарихи ҳақида эди. Ушбу ҳарбий асирлар Москвага бошланадиган ҳужум олдида фашист армиясининг руҳини кўтаришга қаратилган «тарғибот фильми»да «жонли ва таъсирчан роль» ўйнаб беришлари керак бўлган. Аммо бу режа амалга ошмаган.

Гап шундаки, лагернинг чор атрофи ўралган серёмғир осмон остидаги кўрасида юртдошларимизга неча кунлаб овқат берилмай, ғайриинсоний шароитларда сақланган. Улар кундузи тоғда тош майдалаш ва ташишга мажбурланиб, кечаси ухлашга имкон берилмасдан, шафқатсиз калтакланган, тинимсиз хўрланган. Кунларнинг бирида лагерга фашист амалдорлари, шунингдек, кино операторлари ва режиссёрлардан иборат ижодий гуруҳ келади.

Шу муносабат билан озода ва саришта либослардаги кўркем кўринишли фашист офицерлари эзилган ва азоблар-

дан букчайиб қолган жулдур кийимлардаги ўзбеклар қаршида саф тартади. Чироқлар ёнади, кино камералари ишга тушади. Машинада янги ёпилган, ҳиди ёқимли уфуриб турган иссиқ нонлар олиб келинади. Немис офицери ўзига новвой узатган булкани олиб, девордан ичкарига, ўзбек асирлари томонга улоқтиради.

Фашистларнинг фикрича, «кинсон қаторида кўрилмайдиган», лагердаги «шароитлар» туфайли эса одамийлик қиёфаси-



ни ҳам йўқотаётган оч-наҳор ва хастахол асирлар ўзаро нон талашиб, кинобоп томоша кўрсатишлари керак эди. Бу, ўз навбатида, Гитлернинг немислар – олий ирқ, бошқа миллатларда эса инсонийликка хос зиғирча ҳам хислат йўқ, деган манфур ғоясини тасдиқлаб берарди. Аммо, бундай бўлмади.

Атрофга жим-житлик чўқади. Бир муддатдан кейин асирлардан бири ерда ётган нонни кўлига олиб, уч марта ўпади ва кўзига суртади. Сўнг нонни кенг даврада чордона қуриб ўтирган ўзбекларнинг ёши улуғига – муаллимга олиб боради. Муаллим нонни бўлаклаб, дастлабки ушғини энг кичик ёшли маҳбусга узатади.

Шу тарихи нон бўлаклари ҳаммага тенг тақсимланади. Муаллим охириги бўлакни ўзига олади. Ўзбек биродарларимиз ҳовлиқмасдан, одоб билан ризқланишади. Охирида Худонинг неъматини учун шукроналик фотиҳаси ўқилгач, улар тарқалишади.

Бу сценарий фашистлар тахмин қилгандек яқун топмайди. Оқибатда, юртдошларимиз жазоланади. Уларнинг ҳаммасини ўрмонга олиб бориб, отиб ташлашади.

Кейинчалик бу ибратли тарихий воқеадан хабар топан голландиялик журналист, ёзувчи ва тадқиқотчи Ремко Рейдинг узоқ изланишлари натижасида айни мавзуда йирик бир китоб ёзган. Ўз навбатида, ғалабининг 75 йиллиги арафасида ўзбек кино ижодкорлари миллатимизнинг гўзал сийратини, азалий инсонпарварлик фазилатларини теран очиб берадиган ушбу ҳа-



ётий қисса асосида «101» номли бадиий фильми тасвирга олдилар.

Бу қисса қаттол урушнинг 101 нафар қаҳрамони ва кўрбони ҳақида эди. «Шу вақтга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланарди. Янги маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилган. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси кўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган», – деди Шавкат Мирзиёев 9 май куни ташкил этилган тантанали маросимдаги нутқида.

Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келгани албатта, адолатдан бўлмаслигини таъкидлаган.

Шавкат Мирзиёевнинг кўшимча қилишича, «илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилган, аслида, бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган». Бундан ташқари, фронтда бедарак йўқолганлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ бўлмаган – ҳозирги вақтда 158 мингдан кўпроқ ўзбекистонлик урушда бедарак кетгани аниқланган.

Минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган.

Халқимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнги бурда нонини ҳам баҳам кўрган. Элимизнинг бу жасорати, меҳр-муруват ва инсонпарварлик фазилатлари ҳали-ҳамон шон-шараф мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда.

Ғайбулла ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори,
Саид САФАЕВ,
катта ўқитувчи

Бу дунёда инсоннинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оила-си, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилишдир.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ!

Бу борада янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг 64-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир» деб мустақамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоиз, жонажон Ватанимиз – янги Ўзбекистондаги улкан имкониятлар ҳақида қанча сўзласак, шунча оз.

Мустақиллик туфайли ҳаётимизда ёрқин саҳифалар очилди. Эртанги кунга бўлган ишончимиз мустақамланди. Шаҳарларимиз, қишлоқларимиз кўркем ва обод бўлди. Ҳаётимизга беқиёс маъно ва мазмун олиб кирган неъматларнинг қадрига етиш, шукр қилиш, уларни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, чегараларининг дахлсизлиги ва оқилолигини, аввало, унинг Қуролли Кучлари ҳимоя қилади. Ўзбекистон аталмиш жаннатмакондиёрумизда ҳам шундай. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 152-153-моддаларида аниқ белгилаб қўйилган:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга.

Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги ҳам шубҳасиз, она-Ватанини ҳимоя қилиши, Ватанининг тараққий топиб, ҳар томонлама қудратли бўлишига, халқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Улуғлар бежиз айтишмаган, Ватани мустақил халқнинг ўзи ҳам мустақил бўлади. Юрти овоз ва эркин одамнинг эрки ўз қўлида бўлади.

Юрт тинчлиги йўлида ҳар бир соҳа вакиллари ўз жабҳаси доирасида ҳисса қўшиши лозим. Мутафаккирлар айтганидек, Ватан ҳимояси – ўз ватани қамолоти йўлида халқига муҳаббати туфайли бор бисоти, куч-ғайрати, керак бўлса, ҳеч иккиланмай жонини ҳам аямайдиган, халқи ва ватанининг озодлиги, фаровонлиги учун умрини фидо қилувчи инсонлар билан ишончлидир.

Бундай ватанпарварлари бор юрт доимо тинч, осмони мусаффо, халқи иноқ, ризқи мўл, ҳаёти эса фаровон бўлади.

Шоилхом ШОАКБАРОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурори
ўринбосари, адлия капитани

МАРДЛАРЧА ЎЛГАНЛАР – АБАДИЙ ТИРИК

Йилнинг энг гўзал фаслларидан бири бўлган баҳор – ҳаёт, янгиланиш, яшариш фаслидир. Аммо бу фасл ўз бағрида яна бир чуқур маъно, бир оғир, аммо шарафли хотирани ҳам сақлайди. Ҳар йили 9 май санаси юртимизда алоҳида эҳтиром билан нишонланади. Бу сана – биз учун фақат байрам эмас, балки сабоқ, хотира, эҳтиром ва инсоний қадриятларнинг тимсолидир.

У «Хотира ва қадрлаш куни» деб юритилади – бу юракдаги изтироб билан ғурурни, кўздаги ёш билан табассумни бирлаштирган муқаддас кун. Тарих саҳифалари кўллаб синовларга гувоҳ бўлган. 1941 йил 22 июнь куни бошланган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли ва қонли саҳифалардан биридир. Бу урушда миллионлаб беғуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмди, шаҳар-у қишлоқлар вайрон бўлди, оилалар парокандаликка юз тутди. Ўзбекистонликлар ҳам бу мусибатдан четда қолмади. 1 миллион 500 мингдан ортқ юртдошларимиз фронтга отланди. Улардан ями жанг майдонларида ҳалок бўлди. Минглаб она, минглаб болалар орзусиз, умидсиз қолди. Аммо, бу уруш шунчаки ҳалокат эмасди – у сабар

меҳнат фахри, садоқат намунасига айланган.

Биз энганмиз, фашизм устидан ғалаба қозonganмиз, нафақат қурол билан, балки сабр, меҳр, фидойилик билан! Бугун ҳаётимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Ҳар тонг портлашлардан эмас, қушларнинг чуғуридан уйғонамиз. Бунинг учун биз кимлардан қарздормиз? Албатта, орамизда қолган уруш фахрийлари, бахтли келажагимиз учун, шу тотли ҳаёт учун жонини фидо қилган минглаб юртдошларимиз пойга бош эгамиз, улар юрагимизда абадий яшайди. Бугун нурунийларимиз кўзларидаги чуқур хотиралар, оғир йиллар ҳақида гапирганда, қалбимиз қалтирайди. Уларнинг бошидан ўтказган азобларни биз бугун тасаввур қила олмаймиз.

9 май фақатгина хотира куни эмас. У – қадрлаш куни ҳам. Бугун орамизда юрган уруш фахрийлари ва фронт орти қаҳрамонларини, тикланиш йиллари машаққатларини матонат билан энгиб,

Сиз ва биз учун мунаввар кунларини яқинлаштирган ота-боболарни, онахонларни қадрлаш – бу бизнинг инсонийлик бурчимиз. Уларни эътиборсиз қолдириш – тарихга, ўзлимизга бўлган бепайсалликдир. Кўчада ҳаракатланаётган ногиронлик аравачасидаги кўкси тўла орден таққан отахон – бу оддий инсон эмас, у – қаҳрамон. У бахтиёр ҳаёт эвазига ўз ёшлик орзуларини уруш майдонларида йўқотган. Бугун уларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни ҳурмат қилиш, оғзидан ҳикमत тинглаш – бизга керак, бизни тоблаяди.

Қадрлаш – бу фақат кекса авлоднинг эмас, балки ёшларнинг ҳам муқаддас бурчидир. Бугунги ҳаёт – уларнинг фидойилик мевасидир. Ёшлар, сизлар замонавий технологияларни ўрганишлар, илмга интилинглар, лекин шу билан бирга юртингиз тарихини, халқингиз қаҳрамонларини унутманглар. Чунки хотира йўқ жойда, келажак йўқ. Маҳалламизда, мактабларда, олий таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбирлар, суҳбатлар, учрашувлар – бу оддий маърифат эмас,



Инсоний қадриятлар тимсоли

бу тарихни қалбларга синдиришдир. Ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талаба ўз боболари билан фахрланиши керак. Бугун боғларда юраётган болакайларнинг кулгуси – ўша даҳшатли йилларда жонини фидо қилган инсонларнинг ютуғидир. Уларнинг фидойилиги, садоқати юракдан юракка ўтиб, бизни тоблаб келмоқда. Ҳар сафар байроғимиз ҳилпираганда, ҳар бир истиқлол кўшиғи янграганда, биз уларнинг руҳини ёд этамиз.

Хотира бу – юрак ҳайқирғи. Қадрлаш эса – юрак миннатдорлиғидир.

Шухрат ЖҲРАЕВ,
ҚДПУ талабаси

Спорт билан шуғулланиш инсон организмининг ҳар томонлама соғлом ривожланиши учун мустақам замин яратди. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш тизимини самарали шакллантириш, замонавий спорт инфратузилмасини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган эди. Ушбу жамғарманинг мақсади юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.



СОҒЛОМ ИНСОН, МИЛЛАТ, КЕЛАЖАК

Бугун ўзбек спортчилари Осиё, жаҳон ва олимпия мусобақаларида юксак натижаларга эришиб, юртимиз шуҳратини жаҳон ҳамжамияти олдига тараннум этиб келмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда ушбу соҳага қаратилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитларнинг самарасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев расида олимпия ва паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда нафақат спорт, балки, тўғри овқатланиш ҳам долзарб аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

«Ўз олдига буюк мақсадлар қўйган халқ фақат соғлом ва бақувват бўлган тақдирдагина кўзлаган марраларига эриша олади. Эл-юртнинг соғлом бўлиши, улкан ишларга қодир бўлишида эса ҳеч шубҳасиз, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳами-

яти бекиёс.

Бир сўз билан айтганда, спорт – соғлом халқ, соғлом жамиятнинг таянч устунидир. Шу билан бирга, спорт – бу аввало тинчлик элчиси, ҳар бир давлат учун миллий ғурур манбаи» ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу соҳани шунчаки ўйин ва мусобақалар эмас, миллат генофонди, мамлакатнинг кудрати ва обрў-эътиборини бутун дунёга тараннум этадиган энг таъсирчан восита сифатида деб билишимиз шарт.

Энг асосийси, бу натижалар ёшларимизни, ота-оналарни спортга бўлган муносабатини ўзгартирди. Ёшларда «Мен ҳам чемпион бўламан», деган шижоат пайдо бўлди. Буларнинг барчаси ислохотларнинг ижобий самарасидир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, шу йилнинг 22 апрель куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида «Универсиада-2025» спорт мусобақалари доирасида спортнинг дюдю тури бўйича Республика чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Чирчиқ давлат педагогика уни-

верситети талабаларидан 3 нафари иштирок этди. Мусобақа натижаларига кўра, талабаларимиз 2 та кумуш медални қўлга киритдилар.

Бундан ташқари, «Талабалар лигаси» спорт мусобақасида Чирчиқ давлат педагогика университети талабалари волейбол спорт туридан Жиззах вилоятида бўлиб ўтадиган Республика финал босқичида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритди.

Чирчиқ давлат педагогика университети ректори Гафуржон Мухамедов миллий ва халқаро спорт мусобақалари ғолиблари билан учрашди.

Учрашувда велоспорт бўйича Таиландда ўтказилган Осиё чемпиони Шаҳноза Ҳакимова, кураш бўйича «Универсиада-2025» спорт мусобақаси чемпиони Самариддин Муҳибиддинов, Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан ташкил этилган турнир совриндорлари, «Талабалар лигаси» спорт мусобақаси ҳудудий босқичи ғолиблари иштирок этишди.

Университет ректори Чирчиқ давлат

педагогика университетида спорт таълими драйвер соҳага айланиб бораётганлиги, талабалар нафақат спорт билан, балки илм-фан билан ҳам жиддий шуғулланаётганлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг натижасида, университетда Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендиясига лойиқ қўрилаётган талабалар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Университет раҳбари яқин кунларда очилиши кутилаётган Жисмоний маданият факультети ва спорт мажмуаси ҳақида ҳам фикр билдириб, талабалар бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажақда бунданада юқори натижаларга эришишларига ишонч билдирди.

Ёшлар спортга эътибор йилдан йилга ортиб бораётганлигини университетимиз мисолида кўришимиз мумкин.

Бу эса биз педагоглардан янада чуқур билим, бой тажриба ва маҳоратга эга бўлиш, малакали спортчилар тайёрлашни илмий асосда ташкил қилишни тақозо этади.

Жавлонбек ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Чирчиқ давлат педагогика
университети катта ўқитувчиси

Илгари ҳовли ёки маҳалла марказида ўтган тўйлар бугун ҳашаматли рестороанлар, тўйхоналар, банкет залларида ўтказилмоқда. Бу эса, қулайлик, хавфсизлик ва эстетикани таъминламоқда.

Яқин йилларда баъзи оилалар ортиқча сарф-харажатларни камайитиришга ҳаракат қилаётган бўлса, баъзилари дабдабозликни кўз-кўз қилишда давом этмоқдалар.

Гоҳида миллий ва хорижий урф-одатлар уйғунлашган тўй маросимларига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз.

Кеча ва бугунги тўйлар ўртасида катта фарқ бўлса-да, уларнинг ички моҳияти ўзгармаган: одамлар бахтли бўлсин, қариндошлар бир жойга йиғилсин, дуолар янгрисин. Ўзбек тўйлари – бу тириклик, шукроналик, миллий ғурур манбаи ҳамдир. Ҳар бир замон ўз тўйини яратса-да, бу қадимий аънаналар барҳаёт қолади. Чунки халқимиз учун тўй – доимо байрам, барака бўлиб қолаверади.

Инобат МАДРАХИМОВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университети ўқитувчиси

ЎЗБЕГИМ ТҮЙЛАРИ: КЕЧА ВА БУГУН

Тўй – ўзбек халқининг азалий ва абадий қадриятларидан бири бўлиб, у нафақат икки ёшнинг ҳаётидаги муҳим воқеа, балки, бутун жамият, маҳалла, қариндош-уруғлар, ҳатто, бутун эл-юртнинг умумий қувончи саналади. «Тўй халқнинг кўзгуси» деган нақл бежизга айтилмаган. Чунки тўй маросимларида халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, урф-одатлари, маданияти ва руҳияти ўз аксини топади.

Тўй қадимий маросимлар, қадриятлар хазинасидир. Ўзбек тўй маросимлари тарихан бир неча босқичлардан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маъно-мазмун, расм-русумларга бойлиги билан ажралаб турган. Қуйидаги босқичлар аънанавий тўй жараёнининг асосий қисмларини ташкил этган:

Совчилик: Бу қадимий маросимда ўғил тарафдан совчилар қиз томоннинг уйига бориб, нодобли ва топишмоқли сўзлар билан ниятларини билдирганлар. Агар қизнинг оиласи рози бўлса, «фотиҳа» берилар эди.

Фотиҳа тўйи: Икки оила ўртасида келишув мустақамланиб, жамоатчилик олдига эълон қилинар эди. Бу маросимда

келиннинг отаси томонидан «қизим сизларга омонат» деган маъно билан дуо қилинар эди.

Тўёна ва сеп: Келиннинг отаси қизига сарпо – яъни, тўй либослари, кундалик буюмлар ва уй-рўзгор асбобларини тайёрлаган. Бу сеп тўй кунда куёв томон уйига олиб борилган.

Тўй кунлари: Асосий тўй маросими икки-уч кун давом этган. Келиннинг тўйхонасида аёллар йиғилиб, «куёв кўрди», «куёв чақирди», «салом бериш» каби маросимлар бўлган. Тўйда ўзбекпалови, сомса, чой, шарбат, ширинликлар меҳмонларга тортилган. Миллий чолғу асбоблари, бахшилар, дўст-биродарлар тўйга файз бағишлаган.



Келин тушириш ва салом бериш: Келин куёвнинг уйига тантанали тарзда олиб борилган. Эски аънанага кўра, келин эшикдан бошини эгиб кирган, бу – ҳурмат рамзи ҳисобланган. Келин салом берган, қариндошлар унга совғалар берган.

Бугунги кунда ўзбек тўйлари шакл жиҳатдан сезиларли даражада ўзгарди. Лекин, бу ўзгаришлар тўйларнинг моҳиятига, яъни, инсонларни бахтли қилишга хизмат қилаётган қадриятларига таъсир қилмаяпти.

бўлиб ўтди.

Меҳнат фахрийси кўкрак нишони соҳиби, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлими раиси О.Юлдашев тадбирни очар экан, шаҳар тарихига оид хотиралари билан ўртоқлашди.

Шунингдек, меҳнат фахрийси, кутубхонамизнинг фаол аъзоси Ш.Раҳмонов ҳам шаҳар тарихига тўхта-лар экан, биринчи бўлиб барпо этилган бинолар, завод ва корхоналар ҳақида қизиқарли маълумотларни сўзлаб берди ва шу билан бирга, ёшларимизни ўз она шаҳри билан фахрланишга чақирди.

Кўп йиллардан буён шаҳар ўтмиши билан қизиқиб келаётган тарихчи А.Самеджанов эса ўз сўзида шаҳар тарихига оид ҳеч қандай учрамайдиган қизиқарли манбалар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони Т.Ибрагимов ва меҳнат фахрийси кўкрак нишони соҳиби И.Ҳажиев иштирок этиб, босиб ўтган ўз ҳаёт йўллари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Чирчиқ шаҳар бўлими раҳбари Н.Умарова тадбирда қатнашди ва сўзга чиқди.

Алмагул ХОЖЕКЕЕВА,
Чирчиқ шаҳар Ахборот-кутубхона маркази
директори

ШАҲАР БИЛАН ТЕНГҚУР КУТУБХОНА

Чирчиқ шаҳрида кутубхоналарнинг ташкил топиши кун кеча ўзининг 90 йиллигини кенг нишонлаган шаҳримизнинг ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ. Дастлабки кутубхона 1935 йилда Аранча (собиқ Комсомольск) посёлкасида ташкил қилинган. 1000 дана китоб фондидан иборат бўлган бу кутубхонанинг иш бошлаши шаҳримиз ҳаётида катта воқеага айланган ўша кезларда.

Демак, нафақат Чирчиқ шаҳрининг, балки Чирчиқ шаҳар кутубхонасининг ҳам ташкил топганига 90 йил тўлди.

Шаҳар ахборот-кутубхонаси архивидан топилган маълумотларда, «Китобхоналаримиз янги китоблар келишини, газета ва журналларнинг янги сонларини интиқлик билан кутишар эди», деган сатрлар ёзиб қолдирилган.

Давр талаби ва одамларнинг китобга, янгиликка бўлган чанқоқлиги боис, бирин-кетин шаҳримиз ташкилотлари, мактабларда, заводларда, корхоналарда кутубхоналар очила бошлаган. Шу тариқа, шаҳарда кутубхоналар тармоқлари кенг ривож топиб борди.

1956 йилда кутубхоналар сони 56 тага етган, китоблар

фонди 258 минг дана бўлса, орадан икки йил ўтиб, китоблар сони салкам икки баробарга ортади. Шаҳарнинг 17 та жойида китоб дўконлари фаолият юритган.

1980 йилга келиб эса китоблар фонди 1,2 миллион данага етади. Китобхоналар сони эса юз минг кишидан ошиб кетади.

Шаҳарда жуда кўп саноат зоналари борлиги ва кимёгарлар шаҳри бўлганлиги сабабли ҳам ўша даврларда китоб фонди асосан кимё саноатига оид адабиётлардан ташкил топган. Бундан ташқари, кутубхоналар бадий, сиёсий ва илмий-оммабоп китобларни ўз ўқувчиларига етказишда фаол иштирок этган.

Марказий кутубхонага дастлаб, Антонина Васильевна Пепельшева раҳбарлик қилган. Ўз касбининг устаси, жонқуяр, тажрибали мутахассис бўлган, А.Пепельшева 1969 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими юксак унвонига сазовор бўлган эди.

Шаҳримизнинг 90 йиллик муборак тўйини барча чирчиқликлар қатори китобхоналар ҳам кенг нишонладилар. Ахборот-кутубхона марказида «Келажаққа интилаётган шаҳар мавзусида» давра суҳбати ташкил этилиб, унда ОТМ ва умумий ўрта таълим муассасалари талаба-ёшлари, кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этдилар.

Шаҳримизнинг 90 йиллиги муносабати билан Чирчиқ шаҳар ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган ёшлар ва нуронийларнинг учрашуви айниқса, қизиқарли



Бугунги кунда барча корхона ва ташкилотлар ўз тизимларида коррупцияга қарши кураш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда қатор амалий чоралар кўрмоқдалар.

Шундай корхоналардан бири шахримизда «AgroTech Klaster» бренди остида танилган «Тошкент трактор заводи» бўлиб, бугун корхонада 130 та касб ва лавозимда 500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Корхонада коррупцияга қарши кураш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш каби иллатларга қарши сиёсатни қамраб олган 21 та ички локал ҳужжат қабул қилинган.

Коррупция ҳар қандай жамият ривожланишига жиддий тўсқинлик қиладиган, адолат ва тенглик тамойилларини издан чиқарадиган хавфли ижтимоий иллатдир. Бу муаммо ижтимоий барқарорликка, иқтисодий ўсиш ва бошқарув сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича бир қатор тизимли иш-лохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва у изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлат хизматлари соҳасида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, электрон бошқарув тизимлари орқали инсон омилини қисқартириш, солиққа оид тартибларни автоматлаштириш, тендер ва давлат харидлари жараёнларини рақамлаштириш орқали коррупцион хатарларни бартараф этишга катта эътибор қаратилмоқда.

«Тошкент трактор заводи» МЧЖ ҳам бу жараёнлардан четда қолмаган. Корхонада коррупцияга қарши курашиш сиёсати асосида мунтазам равишда раҳ-

бар ва ходимлар билан ҳуқуқий семинарлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилади ва бу орқали ходимларда ҳуқуқий онг ва виждонли меҳнат тамойиллари шакллантирилмоқда.

Шу билан бирга, сотув тизими бўйича ҳам аниқ талаблар жорий этилган. Хусусан, корхона томонидан имзоланувчи барча дилерлик ва бошқа турдаги шартномаларда коррупцияга қарши бандлар, шунингдек, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган махсус шартлар киритилган. Ҳар бир ҳамкорлик – ҳалоллик ва ошқоралик мезонлари асосий тамойил сифатида белгиланади.

Коррупция хавфини янада камайтириш мақсадида келгусида сотув бўйича барча шартномаларни электрон платформа орқали расмийлаштириш тизими жорий этилиши режалаштирилган. Бу жараён инсон омилини чеклаш, шартномалар устидан автоматлаштирилган назорат ўрнатиш ҳамда шаффофликни таъминлашга хизмат қиладди.

Хулоса ўрнида, коррупциянинг олдини олиш давлат ва жамиятнинг ҳамкорликдаги фаолияти, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхонлиги ва муросасиз позицияси билан чамбарчас боғлиқ. «Тошкент трактор заводи» жамоаси сифатида, биз ҳам ҳалол меҳнат, очиқ сиёсат ва замонавий бошқарув тамойилларига асосланиб, коррупцияга қарши муросасиз курашда ўз ҳиссамизни қўшишда давом этамиз.

Жамшид САИДМУРОДОВ,
«Тошкент трактор заводи»
МЧЖ Маркетинг, сотиш ва
сервис хизмат кўрсатиш
бўйича бош директор
ўринбосари в.в.б

ЗАҲАРЛАНИШ – ОҒИР ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Баҳор ёмғирлари ва момақалдиروқлардан сўнг потирлаб чиққан кўзиқоринлар нафақат кўзни қувнатади, балки тансиқ пархез таом сифатида қоринни тўйгазиб, танага дармон бағишлайди. Лекин, кўзиқорин экан деб, билиб-билмай дуч келган замбуруғни истеъмол қилавериш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини асло унутмаслик керак.

Табиатда замбуруғларнинг 100 мингдан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, мутахассисларнинг таъкидлашича, у ўсимлик ва ҳайвонот дунёси оралағида бўлган алоҳида гуруҳ ҳисобланар экан. Ўзбекистонда қалпоқчали замбуруғларнинг 200 дан зиёди маълум бўлиб, шулардан атиги 25 туригина тановул қилишга яроқлидир.

Аслида, одамлар севиб истеъмол қиладиган кўзиқоринлар «с» ҳамда «в» гуруҳига мансуб дармондориларга, маъданли моддалар, оқсилларга бой бўлади. Оқсил мўллиги бўйича кўзиқорин тухумдан икки, гўштдан уч баробар устунликка эга. Фосфор ва калий борасида балиқ билан бир қаторда туради. Шу сабаб ҳам у одамларда ортиқча холестерин миқдорини пасайтириш билан бир қаторда, қанд касаллиги бор беморларга ҳам ундан тановул қилишларига рухсат берилади.

Лекин кўзиқоринни истеъмол қилишда эҳтиёт бўлган маъқул. Масалан, «сморчок» ва «страчок» кўзиқоринларидан нотўғри фойдаланганда, заҳарланиб қолиш ҳеч гап эмас. Чунки, улар таркибида заҳарли гелъвелат кислотаси мавжуд. Бу тур кўзиқоринлардан фойдаланганда,

истеъмолдан олдин яхшилаб қайнатиб, сувни тўкиб ташлаш тавсия этилади. Гелъвелат кислота сувда яхши эрийди ва қайнаш жараёнида у сувга ўтади. Шунинг учун ҳам таркибида кўзиқорин қайнаган сувни тўкиб ташлаган маъқул.

Шу билан бирга, серқатнов автомагистрал йўл ёқалари, кимёвий моддалар сақланадиган омборхоналарнинг теварак-атрофларида ўсадиган кўзиқоринлардан ҳам заҳарланиш мумкин. Машиналардан чиқадиган ис газлари ва заҳарли моддаларни кўзиқоринлар ўзига синдириб олади. Демак, бундай ҳолатларда истеъмолга яроқли кўзиқоринлар оғуға айланиши ва у одамларни заҳарлаши кузатиладиган.

Кўзиқориндан заҳарланганда, касаллик белгилари истеъмол қилинган кўзиқориннинг хилига қараб, турлича намоён бўлади. Масалан, «қизил мухамор» таркибида мускарин ва мускарин алькалоидлари мавжуд. Бу тур кўзиқориндан заҳарланганда касаллик белгилари 1-2 соат ўтгач намоён бўла бошлайди. Дастлаб, асаб тизими фаолиятида ўзгаришлар кўзга ташланади. Беморнинг сўлаги оқиб, терлайди, томир уруши



секинлашади, алаҳсираш, титраш ҳолатлари юзага келади. Шунингдек, кўз қорачиғининг кенгайиши ёки торайиши кузатилади. Беморга тезда тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ўз вақтида даво чоралари кўрилмаган тақдирда беморнинг аҳволи оғирлашиб, фожеали яқун топиши ҳам мумкин. Бозорлар ва дўконлардан кўзиқоринларни харид қилмоқчи бўлсангиз, гигиеник ва мувофиқлик сертификатлари ҳамда ветеринария-санитария лаборатория мутахассислари томонидан бериладиган маълумотномани талаб қилишни унутманг. Кўзиқоринларни турғун савдо шохобчаларидан мутасадди ташкилотларнинг тегишли ҳужжатлари бўлган тақдирда харид қилиш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, қалпоқчали замбуруғларнинг хиллари кўп бўлиб, шулардан юқорида таъкидлаганимиздек, маълум турларига истеъмолга яроқли. Шу боис, улардан эҳтиёт бўлиб фойдаланган маъқул. Чунки, истеъмолга яроқли бўлган замбуруғлардан заҳарлиларини фарқлаш жуда мураккаб. Эҳтиёткорлик эса соғлиқ учун фақат фойда эканлигини билиб қўйган яхши.

Гулноза РАЖАБОВА,
Чирчиқ «Меднур» клиникаси
невропотологи

ХАВФЛИ ХАСТАЛИКЛАР МАНБАИ

Ҳайвонларда учрайдиган каналарни худди шундай аташ мумкин.

Кана чақиши натижасида йирик ва майда шохли ҳайвонларда ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланган Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги юзага келади. Тана ҳароратининг юқори бўлиши, баданларда тошма тошиши, терида қонталашларнинг пайдо бўлиши ҳамда милк, бурун, ошқозон ва ичаклардан қон кетиши каби ҳолатлар ушбу касалликнинг асосий белгилари ҳисобланади.

Кана чақшининг олдини олиш учун куйдагилар тавсия этилади

Йирик ва майда шохли ҳайвонларни ҳар ой 2 марта махсус дорилар билан чўмилтириш керак. Ҳайвон боқиладиган жойларни ветеринария – санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда сақлаш керак. Дезенфекция ишларини вақтида олиб бориш лозим.

Молларда кана борлиги аниқланса, дарҳол ветеринария ходимларига мурожаат қилиб, уларнинг тавсияси асосида каналарга қарши ишлов бериш зарур. Каналарни қўл билан эзиб ва қайчи билан кесиб ўлдириш тавсия этилмайди.

Агар сизни кана чақса ёки қўлларингиз унинг қони билан



ифлосланса, зудлик билан даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилинг.

Жасур ХАДЖАМОВ,
Чирчиқ шаҳар Ветеринария
ва чорвачиликни
ривожлантириш бўлими
бошлиғи

Кунни кеча шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Конференцияда Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари Абдухамид Юлдашев, Тошкент вилояти Кенгаши раиси Нилуфар Комилова ва Тошкент вилояти касаба уюшмаси Кенгашининг етакчи мутахассиси Собир Эрбўтаевлар иштирок этди.

Ийғилишда Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар Кенгашининг 2022-2025 йиллардаги фаолияти яқунлари ва ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусидаги вазифалар тўғрисида Кенгаш раиси Махсуд Умаров ҳисобот берди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар Кенгаши раислигига Умаров Махсуд Сайдалиевич очиқ овоз бериш йўли билан қайта сайланди.

Конференция сўнгида иштирокчилар томонидан касаба уюшмаларининг келгуси фаолиятига муваффақият тилаб, хайрли ишлар бардавом бўлишига умид билдирилди.

«ВАТАНПАРВАР БОҒИ» ОЧИЛДИ


Кеча вилоятимиз маркази Нурафшон шаҳрида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Байрам арафасида «Ақлли шаҳар»да яна бир хайратланарли маскан барпо этилди. У «Ватанпарвар боғи» деб номланди. Янги масканнинг ўзига хос томони шундаки, ер ости объектлари Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини кўрсатса, ер устидаги дарахт ва қурилмалар бугунги ҳаётимиздан шукроналар билан яшашга ундайди.

Ватанпарвар боғининг очилиш маросимида Чирчиқдаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қиладиган катта лейтенант Сарварбек Ҳақназаров сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

– Мен бугунги тадбирда иштирок этар эканман, муҳтарам Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг «Биз қайси соҳада бўлишимиздан қатъий назар, ватан ҳимоячиси бўлишимиз зарур» деган сўзлари нақадар тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Дарҳақиқат, ҳар бир шахс ўз касбини севса ва виждонан ишласа, энг муҳими, ватанни севиб, мустақиллик қадрига етса, демак, у ватан ҳимоячисидир.

Бугунги кунда биз ёшларга давлатимиз раҳбари томонида жуда



кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу имкониятлардан биз ҳарбийлар ҳам унумли фойдаланиб, дунё мамлакатларига ўзбек армиясининг қудратини кўрсатиб келмоқдамиз. Бунга биргина мисол: бир неча йилдирки, Ўзбекистон ҳарбийлари халқаро армия ўйинларида ғолибликни қўлдан бермай келмоқда.

Чунки сафларимизда она юртини севган, мустақилликни мустаҳкамлашни ўз эътиқоди, деб билган ҳарбийлар хизмат қилмоқда.

Нурафшон шаҳри кўркига кўрк қўшаётган ушбу «Ватанпарвар боғи» ёшларимизнинг сеvimли масканига айланишига ишончимиз комил. Бу боғдаги ҳар бир экспонат, жумладан, ер ости блиндажи ёшларимизни шукроналикка, тинчликни қадрга этишга ундайди ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладди.

Мен нафақат ҳарбийлар, балки барча ёшларимиз номидан ишонтириб айтаманки, жонажон Ўзбекистонимиз тинчлиги, осойишталиги, барқарорлиги ишончли қўлларда. Биз оталаримиз жасоратига доимо содиқмиз, деди ўз сўзининг пировардида, катта лейтенант.

Ҳамшаҳримизнинг сўзлари байрам тадбири иштирокчилари томонидан илиқ қаршиланди.

Назokat УМАРОВА,
Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар
Кенгаши депутати

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР



**Миргазиева Зухра
Тўраевна**
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Она шаҳрим – Чирчиғим!
Беғубор болалигим ифори,
онам меҳри, тафтини туйдирган,
мен учун маҳобатли шаҳрим, 90
ёшинг муборак!

Сенинг бағрингда улғайдим,
дилбандларим улғаймоқда, ҳар
бир қарич еринг мен учун кадр-
ли.

Дарвоқе, замонавийлик уй-
ғунлашган ҳолда тарихий кўри-
нишни фақатгина асрларга
бардошли бўлган «иродали
шаҳарлар» гина сақлаб қолади.

Чирчиқнинг ўз «имзоси» бор.
Чирчиқ – кимёгарлар шаҳри,
Чирчиқ – билимлилар шаҳри.

Бу йил виқорли ва кадрдон
шаҳримизнинг 90 йиллик юби-
лейини нишонладик! Ҳамшаҳар-
ларим, байрамингиз муборак
бўлсин!

Сизларнинг меҳнаткашли-
гингиз, фидойилигингизга ва
шаҳримизга бўлган чексиз муҳаб-
батингизга гувоҳ бўлганман.

Бугун Чирчиқ – замонавий,
ғўзал ва ривожланаётган шаҳар-
га айланди. Бунда ҳар бирингиз-
нинг беқиёс ҳиссангиз бор.

Шаҳар инфратузилмаси ян-
гиланмоқда, таълим ва соғлиқни
сақлаш соҳаларида катта ис-
лохотлар амалга оширилмоқда.
Янги уйлар, кўприклар, таълим
ва тиббиёт муассасалари, савдо
ва хизмат кўрсатиш масканла-
ри – булар барчаси сизларнинг
заҳматли меҳнатингиз самара-
сидир.

Бу ўзгаришларнинг марка-
зида эса, албатта, меҳнаткаш,
содиқ ва фидокор чирчиқлик-
лар турибди. Шаҳар ўзининг
меҳнаткаш, бағрикенг ва юртга
садоқатли халқи билан фахрла-
нади.

Асрлар давомида аслингни
йўқотмаган ҳолда юксалавер,
она шаҳрим – Чирчиғим!

Сизларни яна бир бор му-
боракбод этаман, кўзларингиз
қалб хотиржамлиги билан му-
дом бахтдан порлайверсин!
Шаҳримиз янада гуллаб-яш-



**Ходжаева Моҳира
Мирзақмедовна**
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Хурматли Чирчиқ шаҳри аҳо-
лиси, фаоллари, кадрли ёшлар!

Чирчиқ шаҳри нафақат Тош-
кент вилоятида, балки Респуб-
ликаимиз миқёсида ўзининг
меҳнаткаш ҳамда танти ишчила-
ри, юқори салоҳиятли кадрлари,
иқтисодий кудрати, юксак мада-
нияти билан алоҳида ўрин тута-
ди.

Тўқсон йиллик тарих замири-
да анъаналарни муносиб давом
эттираётган, бутун билим ва таж-
рибаси, маҳорати, қалб кўрини ўз
ишига бахшида этиб, фидокоро-
на меҳнат қилаётган минг-минг-
лаб одамларнинг жуда катта ма-
шаққатли хизматлари мужассам.

Чирчиқ шаҳридаги депутат-
лик фаолиятимда кўплаб фаол-
лар билан биргаликда самарали
ишларни амалга оширдик. Жум-
ладан, шаҳарда экологик муҳит-
ни яхшилаш, аҳоли саломатлиги-
га салбий таъсирни камайтириш
чораларини кўриш, кўкаламзор-
лаштириш, дарактларни ўтказиш
ва яшил майдонлар, гулзорлар
ташкил этиш тадбирлари кўплаб
ташкил этилди. Мазкур тад-
бирларни амалга ошириш учун
шаҳарда очиқ ва ёпиқ ер ости
суғориш тизимлари барпо эти-
либ, ирригация тармоқларини бу-
гунги кун талабида қайта тиклаш
ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Бугун бу ерда замонавий уй-
лар, маданият ва спорт маскан-
лари, равон кўчалар, кўркама ва
файзли гўшалар, бир сўз билан
айтганда, зарур инфратузилма
бунёд этилмоқда. Бу беқиёс раф-
бат ва эътиборнинг яққол ми-
солини – йилдан-йилга ривож-
ланиб, хорижий меҳмонлар ва
инвесторлар учун жозибador бў-
либ бораётган Чирчиқ шаҳрининг
обод ва фаровон қиёфасида ҳам
кўриш мумкин.

Шу фурсатдан фойдаланиб,
юртимиз равнақи йўлида хизмат
қилаётган барча фаол фуқаро-
ларга, кекса авлод вакиллари ва
ёшларга мустақкам соғлиқ, тинч-
лик-осойишталик, оилавий бахт
ва улкан ютуқлар тилайман.



**Юсупов Санжар
Миртоирович**
2020-2021 йилларда Чирчиқ
шаҳри ҳоқими лавозимида
ишлаган

Азиз чирчиқликлар, дастлаб,
кимёгарлар, гидроэнергетиклар
ва қурувчилар шаҳри номини ол-
ган жонажон Чирчиқ шаҳримиз
90 йиллигини нишонламоқда.
Ушбу йиллар давомида Чирчиқ
шаҳри ҳар томонлама ривожла-
ниб борди.

Хусусан, кейинги йилларда
йўл-транспорт инфратузилмаси,
шоҳ кўчалар, кўп қаватли уйлар,
замонавий савдо марказлари-
нинг қурилиши, шаҳар архитек-
туравий қиёфасини замонавий-
лашгани, кўп қаватли уй-жой
фондининг сифат жиҳатдан ях-
шиланиб бораётгани, коммунал
хизмат кўрсатиш тизимининг туб-
дан такомиллаштиришга эриши-
лаётгани, аҳолига сифатли ком-
мунал хизмат кўрсатилаётгани,
муҳандислик-коммуникация тар-
моқлари, хусусан, ичимлик суви
ва канализация тизимлари қай-
тадан қурилиб, шаҳар кўчалари-
даги массивларда тунги ёритиш
тизимларининг янгидан замона-
вий ҳолатга келтирилаётганининг
барчамиз гувоҳимиз.

Шаҳримизда олий таълим
муассасаларининг ташкил қили-
ниши эса, аҳолимизнинг азалий
орзуси эди. Шу маънода бу гў-
шани «Ёшлар шаҳри», «Бунёд-
корлар шаҳри», «Спортчилар
шаҳри», дея ҳақли равишда аташ
мумкин.

Тошкент вилоятининг ижти-
моий, иқтисодий, маданий ҳаёти-
да Чирчиқ шаҳри ва чирчиқлик-
ларнинг ўз салоҳияти бор, бугун
улар жамиятнинг барча жабҳала-
рида самарали меҳнат фаолиятини
олиб бормоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз
азизларни, Чирчиқ шаҳрининг 90
йиллик тўйи билан чин қалбим-
дан табриклайман! Барчангизга
сиҳат-саломатлик, фаровонлик,
меҳнат фаолиятингизга зафар-
лар тилайман!

Чирчиқ шаҳрининг равнақи ва
тараққиёти абадий бўлсин!

Қадрдон шаҳримиз янада та-
раққий этсин, янада чиройли ва
кўркама гўшага айлансин!



**Ҳидоятлов Даврон
Абдулпаттахович**
2021-2024 йилларда Чирчиқ
шаҳри ҳоқими лавозимида
ишлаган

Қадрдон Чирчиқ шаҳри аҳо-
лиси ва шаҳримиз фаоллари!

Бу йил севимли шаҳримиз
Чирчиқ ўзининг муборак 90 йил-
лик тарихий санасини нишонла-
моқда!

Чирчиқ шаҳрига раҳбарлик
қилган йилларим давомида мен
сизларнинг меҳнаткашлигингиз,
фидойилигингизга ва шаҳримиз-
га бўлган чексиз муҳаббатингиз-
га гувоҳ бўлганман. Биргаликда
биз кўплаб эзгу ишларни амал-
га оширдик, шаҳримизда хур-
матли Президентимиз Шавкат
Мирзиёев бошчилигида Янги
Ўзбекистон массивини барпо
этидик. Бу янги массив шаҳримиз-
нинг қиёфасини тубдан ўзгарти-
риб, кўплаб оилалар учун бахтли
ҳаёт кечирish масканига айлан-
ди. Юртбошимиз ташаббуси ва
кўмагида яроқсиз ҳолга келган,
узоқ йиллардан бери ишламай
турган иссиқлик, электр энер-
гияси ва газ таъминотини янги-
ладик, кўчаларни кенгайтириб,
ободонлаштирдик, кўплаб янги
инфратузилма объектларини
қурдик ва халқ хизматида топ-
ширдик, аҳолимиз учун муносиб
турмуш шароитларини яратиш
йўлида тинимсиз меҳнат қилдик.

Бугун Чирчиқ – замонавий,
ғўзал ва ривожланаётган шаҳар.
Бунда ҳар бирингизнинг беқиёс
ҳиссангиз бор. Янги уйлар,
кўприклар, таълим ва тиббиёт
муассасалари, савдо ва хизмат
кўрсатиш масканлари – булар-
нинг барчаси сизларнинг заҳмат-
ли меҳнатингиз самарасидир.

Ишончим комилки, биз бир-
галикда бошлаган барча хайрли
ишлар келгусида ҳам ўз давоми-
ни топади. Шаҳримиз янада гул-
лаб-яшнаб, юртимизнинг фахри
бўлиб қолаверади!

Барчангизни ушбу муборак
айём билан табриклайман! Сиз-
ларга сиҳат-саломатлик, оила-
вий бахт ва фаровонлик тилай-
ман. Доимо соғ ва омон бўлинг!

90 ёшинг муборак бўлсин,
жонажон шаҳрим!

CHIRCHIQTONGI

Muassis:

Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar
HOKIMLIGI"Chirchiq tongi" gazetasi tahrir
hay'ati:

Murodjon ABDURAHIMOV
(tahrir hay'ati raisi)
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Shavkatbek MAMAJONOV
Ibrohim HASANOV
Saodat MUSAYEVA
Iltom ASADOV

Bosh muharrir:

Iroda
MUHAMMADAZIZOVA

Gazetaga 1932-yilda asos
solingan

2011-yil 22-avgustda Toshkent
viloyati Matbuot va axborot
boshqarmasida 03-024 raqam
bilan ro'yxatga olingan

Manzilimiz: 111700,
Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Amir Temur ko'chasi, 1-uy, 409,
410, 411 va 412-xonalar

Adadi: 3000 nusxa.
Hajmi - 1,5 bosma taboq.
Qog'oz bichimi A-3. Ofset
usulida bosilgan. Bahosi
kelishilgan narxda
ISSN 2181-7170

Telefonlar:**Qabulxon:**

71-71-5-36-40.

**E'lonlar va hisob-kitob
bo'limi:**

71-71-5-00-14

Nashr indeksi: 64694

Topshirish vaqti-13.00.
Topshirildi-14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter
markazida**Xatira YUSUPOVA**

tomonidan sahifalandi

Navbatchi:

Malika RISKIDINOVA

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi
va muallifga qaytarilmaydi.
Reklama materiallaridagi dalillar
va faktlarga tahririyat javobgar
emas

«NISO NASHRIYOT VA MATBAA
UYI» MCHJ bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonaning manzili:
Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq
tumani,
Mash'al mahallasi, Markaziy
ko'cha, 1-uy.

Buyurtma №

НОЛДЭ «ЧИРЧИҚ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

«Чирчиқ деҳқон бозори» МЧЖ таъсисчиларининг навбат-
даги умумий мажлиси 2025 йил 20 май куни соат 12:00 да
Чирчиқ деҳқон бозори маъмурият биносидан бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчиларини
рўйхатга олиш соат 11:00 дан
11:30 гача амалга оширилади.

Йиғилиш қатнашчиларини
рўйхатга олишга таъсисчилар
учун шахсни тасдиқловчи ҳуж-
жат, таъсисчи вакили учун шах-
сни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда
ишончнома орқали амалга оши-
рилади.

Кун тартиби:

1. Жамиятнинг ижро этувчи
органининг 2024 йил молия-
вий-хўжалик фаолияти яқунлари
бўйича ҳисоботи.

2. Жамиятнинг йиллик ҳисоб-
ботлари бухгалтерия балансини
тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг соф фойдасини
жамият иштирокчилари ўрта-

сида тақсимлаш.

4. Аудиторлик текшируви ху-
лосаси ҳақида.

5. Жамиятнинг ижро этувчи
органи билан тузилган меҳнат
шартномаси муддатини узайти-
риш.

6. Жамият кузатув кенгаши
аъзоларини сайлаш.

7. Таъсис ҳужжатларини янги
тахрирда тасдиқлаш ҳақида.

8. Қурилиш ишлари ҳақида.

9. Қуриб бериш мажбурияти

олинган 16 та дўконни эгалари-
га дўконларни расмийлаштириб
бериш ҳақида.

10. Бошқа масалалар.

Манзил: Чирчиқ шаҳар
Ш.Рашидов кўчаси 16, «Чирчиқ
деҳқон бозори» маъмурий бино-
си.

Мурожаат учун телефон:

7171 50455

**«ЧИРЧИҚ ДЕҲҚОН
БОЗОРИ» МАЪМУРИЯТИ.**